



Миср ва Сурия Ислом оламида Куръони Карим кироатини энг яхши ва хуш савт билан ўқийдиган кориларнинг юртлари сифатида донги чиккан. Айникса, Абдулбосит Абдуссамад, Мухаммад Сиддик Миншавий, Мустафо Исмоил, Али Банно каби Куръон хофизларининг шухрати оламга кенг ёйилган. Улар орасида устоз корилардан, Куръони Карим хофизи ва хомили Махмуд Халил Хусарий алохида ўрин тутуди.

Машхур кори Махмуд Халил 1919 йили Миср кишлокларидан бирида тугилган. Унинг отаси бўйра тайёрлаб сотарди. Бўйрани арабчада «хасир» дейишади. Шунинг учун у кейинчалик «Хусарий» тахаллуси билан машхур бўлди. Махмуднинг болалик ва ёшлик йиллари отасига тирикчилик ишларига ёрдам бериш билан кечди. Орада Куръони Каримни хифз этишни бошлади ва ўн ёшидаёқ мураттаб кори бўлди. Ўша даврнинг машхур Куръон хофизи Иброхим Саломдан сабоқ олди. Тенгдошлари Мустафо Исмоил, Махмуд Али Баннолар билан мусобакалашиб Куръонни ўрганишди, тадқиқ қилишди. Куръони Каримни тажвид коидаларига биноан комил қилиб, хуш савт билан тиловат қилиши Махмуд Халил Хусарийни бутун мамлакатга машхур қилиб юборди. У 1944 йили Миср радиоси ташкил этган корилар танловида икки юз нафар кори ичида биринчи ўринни эгаллади ва жахоннинг энг кучли кориларидан бири эканини исботлади. У Куръон хофизи бўлибгина қолмади. Тинимсиз изланишлар, чуқур тадқиқотлар эвазига Куръони Карим хомилига, яъни Куръонни ёддан ўқиш билан бирга, маъноларини тушуниб, уни ҳаётга татбиқ этувчи, унга амал қилувчи кишига айланди. 1965 йили уни Миср Вақф ишлари вазирлигига Куръони Карим бўйича маслаҳатчи вазифасига тайинлашди. Кейинчалик муқаддас Куръони мажид соҳасида илмий-тадқиқот ишлари учун унга «Куръон фанлари доктори» деган унвон берилди. Куръон хомили илохий вахийнинг дахлсиз ва ўзгаришсиз асралишида катта катъият ва фидокорлик кўрсатди. Исроилда Куръони Карим изоҳлари бузиб талқин қилинганида Махмуд Хусарий бу сохтакорликларни биринчи бўлиб кескин рад этди. Шундан кейин у Куръонни тўлалигича тартил билан кироат қилиб, магнит тасмаларига ёздиришга қарор қилди ва бу вазифани ҳам биринчи бўлиб амалга оширди. Машхур кори кўплаб Ислом ўлкаларига ташриф буюриб, ўша мамлакатлар мусулмонларининг Куръон билан боғланишларини мустаҳкамлаш, Илохий каломни тиловат қилиш, ўрганиш ва амал қилишда, корилар тайёрлаш ишларида уларга холисона кўмаклашди. Бу хайрли амалларда кўп гайрат ва шижоат кўрсатди. Унинг ана шу саъй-харакатлари натижасида гайримуслим ўлкалардаги бошқа диндагиларнинг Исломга киришлари сезиларли даражада кўпайди. Куръон хофизи ва хомили Махмуд Халил Хусарий 1970 йили Қувайтга кетаётиб, йўлда вафот этди. Унинг Аллох каломини

дунёга ёйиш сохасидаги хайрли ишларини бугун Миср ва жахоннинг бошка мамлакатларидаги юзлаб шогирдлари давом эттиришмоқда.

Абдуносир МУРТАЗО